

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОЕВА НАФИСА НИЗОМИДДИНОВНА

ЎЗБЕК НУТҚИЙ МУЛОҚОТИДА ФАТИКА
(илтифот мисолида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

УДК: 811.512.133'373.47:395.84(=512.133)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хамроева Нафиса Низомиддиновна

Ўзбек нутқий мулоқотида фатика (илтифот мисолида).....5

Хамроева Нафиса Низомиддиновна

Фатика в узбекской речи (на примере комплимента)..... 25

Khamroyeva Nafisa Nizomiddinovna

Fatika in Uzbek speech (on the example of Compliment). 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАМРОЕВА НАФИСА НИЗОМИДДИНОВНА

ЎЗБЕК НУТҚИЙ МУЛОҚОТИДА ФАТИКА
(илтифот мисолида)

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/Fil1559 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоирова Гули Ибрагимовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий ошпонентлар

Баҳриддинова Башорат Мадиевна
филология фанлари доктори, профессор

Абдурахмонова Нилуфар Зайнобиддин қизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «27» декабр соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1277 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 2022 йил «13» 12 кuni тарқатилди.
(20 22 йил «13» 12 даги 1-рақамли реестр баённомаси).



Г.Н.Муродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д. (DSc), профессор

Н.И.Гайбуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (PhD), доцент

М.Қ.Абузалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д. (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида нутқий мулоқот, нутқнинг ижтимоий аҳамияти, унинг вазифалари, нутқ одоби, унинг нутқий мулоқотдаги ўрни каби муаммоларга жуда кўп эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда тилшуносларнинг шахслараро вербал мулоқот ва одамларнинг бир-бири билан ўзаро мулоқоти муаммоларига қизиқишларининг тобора ортиб бораётгани сабабли тил эгалари нутқий фаолиятининг ҳар қандай шаклини ҳамда уларнинг коммуникатив ва прагматик хусусиятларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё тилшунослигида прагматингвистиканинг тилшунослик туркум фанлар орасидаги ўрни, прагматик система тушунчасининг ўзи, унинг таркибий қисмлари орасидаги муносабат, прагматик системанинг ассоциатив (парадигматик) системалар билан мураккаб алоқадорликларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучаймоқда. Натижада фатика ва унинг кўринишларига ҳам урғу бериш зарурати пайдо бўлди. Фатик мулоқотнинг бир тури бўлган илтифот – нутқ одобининг алоҳида коммуникатив даражаси ҳисобланиб, нутқ актининг мураккаб, аммо қизиқарли ва самарали элементларидан бири бўлиб, у соф прагматик характерга эгадир. Замонавий лингвистик тадқиқотларнинг антропоцентрик йўналишда эканлиги, диалогик дискурс, фатик мулоқот ва тилнинг фатик функцияси, илтифот, мулозамат каби масалаларга оид янгича ёндашувларни ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда ўзбек тилшунослигининг диққат марказида турган антропоцентрик тамойил асосида психолингвистика, социолингвистика, прагматингвистика, шунингдек, нутқий акт назарияси каби тармоқларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Натижада фатик мулоқот, унинг мулоқотга кириш, мулоқотни сақлаб қолиш, мулоқотни яқунлаш каби кўринишларининг илмий-амалий аҳамиятини очиб бериш, мулозамат, илтифотни фатик мулоқотнинг бир жанри сифатида ўрганиш зарурати сезилмоқда. Бу борада «Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси»¹ сифатида тилшуносликда турли илмий тадқиқотлар, амалий тажрибалар олиб бориш ва ўтказиш долзарб аҳамият касб этади. Шу маънода нутқий бирлик ~ мулоқот бирлиги тушунчаларининг ўзаро муносабати ҳамда нутқий мулоқотда фатика, унинг мулозамат, илтифот хусусиятларини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПФ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // [www.http://prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)

60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тил ва унинг ижтимоий аҳамиятига оид салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилди. Жумладан, В.А.Аврорин, К.Л.Бюлер, АА.Леонтев, Н.А.Слюсарёва, Ю.С.Степанов, Р.О.Якобсон, Б.Ю.Норман каби олимларнинг махсус ишлари бунга мисол бўлади². Илтифотни ижтимоий прагмалингвистика нуқтаи назаридан таҳлил қилган А.А.Померантц, Е.С.Вострикова, Н.А.Корнилова, О.А.Агаркова кабиларнинг ишлари таҳсинга лойиқ³.

Рус тилшунослигида Л.А.Козловская, Е.В.Мудрова, Н.И.Формановская кабилар мулозаматни ўзига хос этикет шакли сифатида тадқиқ қилган⁴.

² Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. – Ленинград: Наука. 1974. – С. 5; Бюлер К. Структурная модель языка // История языкознания XIX-XX вв. в очерка и извлечениях. Часть II. – Москва: Просвещение, 1965. – С. 28-37; Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – Москва: Наука, 1969. – С. 56; Слюсарева Н.А. Методологический аспект понятия функций языка // Известия АН СССР., 1979. Вып. 2; Слюсарева Н.А. Функции языка // Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: СЭ., 1990. – С. 564-565; Степанов Ю.С. Семиотическая структура языка (три функции и три формальных аппарата) // Известия АН СССР., 1973. Вып. 4; Якобсон Р. Лингвистика и поэтика // Сб. Структурализм: «за» и «против». – Москва, 1975. – С. 56; Якобсон Р. Язык в отношении к другим системам коммуникации / Якобсон Р. Избранные работы. – Москва: Прогресс, 1977. – С. 319-330; Норман Борис. Основы языкознания (<http://rus.1september.ru/2001/42/vkl.htm>).

³ Померантц А. Некоторые вопросы восточного религиозного нигилизма. Автореферат диссертации на соискание степени кандидата философских наук. – М., 1968. – С. 35; Вострикова Е.С. Специфика комплимента и похвалы в английской коммуникативной культуре / Материалы третьей всероссийской научно-технической конференции. В 3-х т. –Вологда: ВоГТУ, 2005. Т. 2. – С. 146-148; Корнилова Н.А. Фатика как речевая форма реализации развлекательной функции в медиатексте // Гуманитарный вектор, 2011. – № 4. – С. 67-71; Агаркова О.А. Прагмалингвистические аспекты комплимента как формы речевого этикета. Дисс. канд. филол. наук. – Челябинск, 2004. – С. 133;

⁴Козловская Л.А. Фатическая функция языка: социолингвистический и структурно-грамматический аспекты. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск, 1993. – С. 72; Мудрова Е.В. Комплимент в наши дни

Фатик мулоқот соҳасидаги тадқиқотларни Т.Г.Винокур, В.В.Дементьев, Е.В.Клюев, В.Ю.Федотоваларнинг ишларида кўришимиз мумкин⁵.

Ўзбек тилшунослигида нутқий мулоқот, дискурс ва унинг кўринишлари, матннинг прагматик хусусиятлари Ш.С.Сафаров, С.М.Мўминов, М.Х.Ҳақимов, С.Х.Муҳамедова Д.Б.Ўринбоева, С.У.Боймирзаева, Г.И.Тоирова каби олимлар томонидан тадқиқ этилди⁶.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари ўрганилди, эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, тилнинг фатик вазифаси ва илтифотнинг фатик мулоқот кўриниши эканлиги монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2023 йилларга мўлжалланган «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» йўналишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида фатика ва унинг кўриниши бўлган илтифотнинг назарий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахслараро муносабатларда амалга ошириладиган фатик нутқ тури сифатида илтифотнинг ўзига ўхшаш «мулозамат», «мақтов» – ёндаш ҳодисалар билан муносабатини очиб бериш;

«фатик коммуникация» тушунчаси ва ўзбек нутқий мулоқотида фатик омилларнинг кўринишларини аниқлаш ҳамда илтифотнинг вазифаларини ўрганиб тизимлаштириш;

жаҳон тилшунослигида мазкур тушунчалар тавсифига оид илмий адабиётлар ва тадқиқот ишларини танқидий ўрганиш;

илтифотни тадқиқ қилишда социолингвистик ва прагмалингвистик ёндашувларни илмий жиҳатдан изоҳлаш;

(на материале из интернета). <https://cyberleninka.ru/article/n/kompliment-v-nashi-dni-na-materiale-iz-interneta/viewer>; Формановская Н.И. Русский речевой этикет: лингвистический и методический аспекты. Автореферат диссертации на соискание кандидата филологических наук. – Москва, 1998. – С. 26.

⁵Винокур Т.Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. – М.: Издательство ЛКИ, 2007. – С. 176; Дементьев В.В. Речевые жанры // Вопросы языкознания, 1999. – № 1. – С. 37-55; 28. Клюев Е.В. Фатика как предмет дискуссии / Поэтика. Стилистика. Язык и культура. Памяти Татьяны Григорьевны Винокур. – Москва, 1996. – С. 212-220. Федотова В.Ю. Функционально-прагматическая характеристика фатических стратегий французского языка. Автор. диссер. ... канд. филол. н. – Пятигорск, 2004. – С. 152;

⁶ Сафаров Ш. Система речевого общения. Универсальное и этноспецифическое. – Самарканд: Сам.отд. из-ва им. Гафура Гуляма, 1991. – С. 170; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 20; Ҳақимов М. Ўзбек илмий матннинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 1994. – 168 б.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини. Филол. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент, 2001. – 283 б.; Муҳамедова С. Когнитив лингвистика: вужудга келиши, асосий тушунчалари ва йўналишлари / «Систем-структур тилшунослик муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-назарий конференция материаллари. – Самарканд, 2010. – Б. 189-191; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 121; Боймирзаева С.У. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. – Т.: ЎЗМЭ, 2009. – Б. 192; Тоирова Г. Фатика ва фатик мулоқот турлари // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2016. 2-сон. – Б. 291-295.

зиддиятли/конфликтли нутқий мулоқотда ўзбекча илтифотнинг ўрни ва унинг лингвистик хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек бадиий адабиётининг намуналари ва сўзлашув нутқий мулоқотидаги илтифотли иборалар, нутқий бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети нутқий мулоқот тури сифатида илтифотнинг прагматингвистик тафсилоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, компонент таҳлил, таққослаш, дискурсив таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ўзбек тилшунослигида фатик мулоқот назарияси, унинг фатик ҳодиса сифатида шаклланиши илтифотга ўхшаш «мулозамат», «мақтов» каби ёндош ҳодисалар билан дискурснинг самарадорлигини оширишда мулоқотнинг коммуникатив вазифаси - фатик, риторик, эстетик, терапевтик, метокоммуникатив боғлиқлиги далилланган;

тилнинг «фатик коммуникация» тушунчасини лутф, хушомад, илтифот (комплимент), мақтов, изҳори муносабат, миннатдорлик, ҳазил-мутойиба, олиб қочиш/чалғитиш каби прагматингвистик ёндашувларни ошириш/аниқлаш орқали фатиканинг коммуникатив стратегияси самимий ва мақсадли илтифот каби шаклларда келиши исботланган;

илтифотнинг фатик мулоқот жанри сифатида мулоқотни бошлаш/ўрнатиш, мулоқотни сақлаб қолиш/ қўллаб-қувватлаш ва мулоқотни якунлаш каби кўринишларини нутқий этикет сифатида диалогик нутқда ўзаро сунъий (носамимий, сохта) алқовлар билан сийлаш, яъни мулозаматни ошкор этиш каби салбий ҳамда суҳбатдошни улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатиш каби ижобий таъсири аниқланган;

нутқий мулоқотда икки томоннинг қарама-қаршилиги, қарама-қаршилиқни бартараф этишга қаратилган фаолият, низоли вазият субъектларининг мавжудлиги каби хусусиятлар зиддиятли/конфликтли дискурснинг ижтимоий-психологик моҳиятига эмоционал ва биологик таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида илтифотнинг фатик ҳодиса сифатида шаклланиш хусусиятларини ёритиш билан боғлиқ хулосалар ҳозирги давр ўзбек тилшунослиги ривожини учун самарали бўлган илмий ёндашувларнинг юзага келишига хизмат қилиши аниқланган;

диалогик нутқда илтифотнинг ўрни ва мулоқотни ўрнатиш, мулоқотни қўллаб-қувватлаш, мулоқотни якунлаш каби вазифаларининг амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

нутқий мулоқотнинг зиддиятли нутқий мулоқот кўринишининг психологик-ижтимоий ҳамда лингвистик моҳияти илтифот учун муҳим аҳамият касб этиши исботланган;

фатик нутқий мулоқотнинг илтифот, мулозамат, мақтов каби типологияси социолингвистик ва прагмалингвистик ёндашув асосида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар рационал-типологик ва комплекс таҳлил методлари воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илтифот, мулозаматни белгилаш юзасидан билдирилган назарий хулосалардан, уларнинг илмий таҳлилларидан ўзбек тилининг социолингвистика ва прагмалингвистикага оид изланишларда; дарслик ҳамда қўлланмалар яратишда; психолингвистик тадқиқотлар табиатига дахлдор масалаларни тадқиқ этишда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мулоқотнинг шахс камолотидаги ўрни ҳақида ва прагмалингвистика йўналишидаги тадқиқотларнинг юзага келишида илмий-назарий манбалардан бири сифатида хизмат қилади. «Социолингвистика», «Прагмалингвистика», «Психолингвистика» ва «Тилшуносликнинг янги йўналишлари» каби махсус курсларни ўқишда ҳамда ўқув қўлланма, дарслик, мажмуалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек нутқий мулоқотда фатиканинг талқинларини очиб бериш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилшунослигида фатик мулоқот назарияси, унинг фатик ҳодиса сифатида шаклланиши, илтифотга ўхшаш «мулозамат», «мақтов» каби ёндош ҳодисалар билан боғлиқлигига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ф1-ФА-0-13229 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» номли фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 10 сентябрдаги 230/1-сон маълумотномаси). Натижада дискурснинг самарадорлигини ошириш, нутқий мулоқот учун қулай вазиятни яратиш имконияти илмий-назарий жиҳатдан далилланган;

тилнинг «фатик коммуникация» тушунчасини ёқимли вазиятни ҳосил қилиш, коммуникантга бўлган ҳурматни ошириш/аниқлаш каби илмий қарашлардан Бухоро давлат университетининг ПЗ-202005236 «Оила психологияси фанидан мультимедия маҳсулотини яратиш» номли фундаментал лойиҳада (2020-2021 йй.) фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 15 июлдаги 01-04/01-1326-сон маълумотномаси). Натижада фатиканинг коммуникатив стратегияси самимий ва мақсадли илтифот каби шаклларда келиши исботланган;

илтифотнинг фатик мулоқот жанри сифатида мулоқотни бошлаш/ўрнатиш, мулоқотни сақлаб қолиш/қўллаб-қувватлаш ва мулоқотни якунлаш каби кўринишлар асосидаги таҳлилларидан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими ҳузуридаги «Нилуфар» адабий тўрагаги машғулотларида ва ўзбек тилини тарғиб қилишга бағишланган тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимининг 2021 йил 4 октябрдаги 14-сон маълумотномаси). Натижада нутқий этикет сифатида диалогик нутқда ўзаро сунъий (носамимий, сохта) алқовлар билан сийлаш, яъни мулозаматни ошкор этиш каби салбий ҳамда суҳбатдошни улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатиш каби ижобий таъсири аниқланган;

нутқий мулоқотда икки томоннинг карама-қаршилиги, карама-қаршиликни бартараф этишга қаратилган фаолият, низоли вазият субъектларининг мавжудлиги каби илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Илм дунёси», «Ассалом, Бухоро» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро Вилоят Телерадиокомпаниясининг 2021 йил 12 октябрдаги 1/231-сон маълумотномаси). Натижада зиддиятли/конфликтли дискурсниинг ижтимоий-психологик моҳиятига эмоционал ва биологик таъсири исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, жумладан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий импакт факторли журналларда ҳам 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 147 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Диалогик дискурсниинг таркиби ва типологияси» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат. Биринчи фасл «Тилнинг серқирралиги, вазифалари ва унинг диалогик дискурсдаги аҳамияти» деб

номланган бўлиб, унда тил эгалари нутқий фаолиятининг ҳар қандай шакли ҳамда уларнинг коммуникатив ва прагматик хусусиятлари масаласи ёритилган, тилнинг вазифалари таҳлил этилган.

Борлиқда (табиат ва жамиятда) ўрин олган, бизнинг сезгиларимизга таъсир эта оладиган, ўрганилиши-ю тавсифланиши мумкин бўлган ҳар бир мавжудот ва воқеа/ҳодиса (фалсафий ўзб. нарса, ар. зот, рус. вещь, нем. die Sache, инг. thing) табиатан ва моҳиятан серқиррадир. Серқирралик борлиқдаги мавжудотлар ва ҳодисаларнинг умумий зотий (онтологик, табиий, илоҳий...) хусусиятидир. Серқирраликнинг боиси шундаки, истаган фалсафий нарса борлиқдаги турли-туман нарса ва ҳодисалар билан ранг-баранг муносабатларда туради ҳамда айна бир нарса хилма-хил муносабатдошларининг ҳар бир тури билан ўзининг алоҳида бир қиррасини намоён қилади. Тадқиқ манба серқирра бўлгач, унинг ҳақидаги ҳеч бир ҳукм (унинг серқирралиги эътирофидан ташқари) мутлақ бўла олмайди: ҳар бир ҳукм, албатта, муайян – нарсанинг қайси қирраси ва қай турдаги мулоқот жараёнига нисбатан ҳаққонийлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Тадқиқ манбаининг юқорида шарҳланган серқирралиги асосида шуни айта оламизки, тил деган борлиқ ҳодисасининг ўзи ҳам, тилнинг вазифалари каби унинг бир томони ҳам серқиррадир. Мазкур фаслда тил функцияларига тўхталиб ўтилди. Зеро, тадқиқ мақсадимиз бўлган ф а т и к а серқирра тилнинг серқирра функция (вазифа)ларидан биридир.

Шу ўринда тилнинг, одатда, Роман Якобсон номи билан боғланадиган вазифалари ҳақида тўхталамиз. Р.О.Якобсон робита (коммуникация) назарияси тамойилларини ҳисобга олган ҳолда тилнинг 6 вазифаси – ифодалаш (экспрессив, эмотив), ўзлаштириш / қабул қилиш (коннотатив), аташ/номлаш (референтив / коммуникатив / денотатив / когнитив), робитасозлик (фатик), моделлик (метатиллик), тасвирийлик (поэтик) воситалари бўлиб кела олишини айтиб ўтади⁷.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «*Шахслараро мулоқот жараёнида диалогик дискурснинг ўрни ва коммуникатив стратегиялар*» деб номланган бўлиб, унда диалогик дискурснинг хусусиятлари ёритилган.

Диалогик дискурс бугунги кун тилшунослигида маълум бир масаланинг ечимини топиш учун изчилликда ўсиб бораётган, фикр алмашинуви асосидаги мулоқотга таянган, икки (ёки ундан ортиқ) коммуникантларнинг ўзаро нутқий ҳамкорлигидир. Диалогик дискурс лисоний репрезентациядан (вакилликдан) ташқари бир қатор экстроллингвистик омилларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, мақсад, фикр, мулоқот иштирокчиларининг кўрсатмалари, ёндош билимлар ва ҳоказо. Диалогик дискурснинг асосий сифатларидан бири бу умумий коммуникатив интенция (ният)нинг, яъни бош мақсаднинг мавжудлиги ҳисобланади. Диалогик дискурс мулоқот стратегияси асосида ташкил қилинади.

⁷ Слюсарева Н.А. Функции языка. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: СЭ., 1990. – С. 564.

Мулоқот стратегияси – бу муайян мулоқот интеракциясида умумий лисоний/лисоний бўлмаган бош масаланинг ечими учун сўзловчи ўзининг нутқий фаолиятини амалга оширишининг ижодий режасини тузиб олишидир. Бу мослашувчан механизм мулоқот жараёнида доимий тузатишларга учрайди, самарали ечим топиш имконларини излайди.

Стратегиялар маълум тактикалар ёрдамида амалга оширилади. Тактика деб, сўзловчи томонидан кўзланган жавоб ҳаракатларини ёки ўзининг нутқий ҳаракатига жавобан тингловчидан унинг новербал реакциясини олиш учун ўзидаги бор вербал қобилиятларни моҳирона, динамик ҳолатда қўллаш олиши тушунилади.

Мулоқотнинг ҳар бир тури, интеракция, яъни дискурсни юритиш қоидаларининг кетма-кетлиги билан аниқланадиган интеракционал йўналишларнинг маълум тўплами билан таърифланади. Ҳар бир коммуникант умумий кўринишда ўз суҳбатдошини қандай қилиб маълум ҳаракатга ундаш, ўзининг нуқтаи назарини шарҳлаш, керакли маълумотни ажратиш олиш, унга юкланаётган ҳаракатни бажаришдан бош тортиш қабиларни билади.

Диалоглар бир қанча хусусиятларига кўра таснифланади. Мулоқотнинг коммуникатив вазифасига кўра диалогларни қуйидаги турларга ажратишимиз мумкин:

1) фатик диалоглар – мулоқотдагиларнинг ижтимоий алоқаларини қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган;

2) риторик диалоглар – ижтимоий-иқтисодий турмушни ўзгартиришга йўналтирилган;

3) эстетик диалоглар – борлиқни талқин қилишга имкон берадиган;

4) терапевтик диалоглар – коммуникация субъектларининг функционал (вазифавий) тўсиқларини бартараф этадиган;

5) метокоммуникатив диалоглар – коммуникатив хатти-ҳаракатларнинг рефлексиясини амалга оширишга имкон берадиган.

Турли мулоқот вазиятларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда диалоглар қуйидагича гуруҳланади:

1. Маълумот етказувчи дискурс – бу сўзловчи етказётган маълумотнинг тингловчига маълум эмаслиги.

2. Интерпретацион диалог – бу битта фактнинг сўзловчи ва тингловчи томонидан турли талқинда тавсифланиши.

Шундай қилиб, диалогик дискурс типологияси: мавзувий, функционал, интенционал, семиотик ва социологик каби асосий ёндашувлар асосида таҳлил қилинади.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Диалогик дискурснинг нутқ этикети қоидалари ва меъёрлари хусусида» деб номланган бўлиб, унда этикет қоидалари ва меъёрлари ҳамда нутқий этикет бирликларининг хусусиятлари талқин этилган.

Нутқий ахлоқ – мураккаб ҳодиса, у инсон тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Нутқ одоби ўзига тегишли бўлган

ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатида инсоннинг одатий тарзда мулоқот қилиши, унга тегишли бўлган барча хусусиятлари ҳамда унинг туғилган ва тарбия олган жойи, муҳити билан боғлиқдир. Э.Сепир таъкидлаганидек, одамлар ўзларининг эҳтиёжларини атроф-муҳит билан бевосита мослаштиради: «улар нима қилишаётган бўлса, шуни қилишади, чунки улар ўзларига эстетик нуқтаи назардан аҳамиятли даражада ҳаммасидан осонроқ нарсани кашф этишган, яъни улар жамиятларида у ёки бу тарзда мустаҳкам ўрнашган ахлоқий қоида ва меъёрларга қараб ўзларини мослаштиришади, булар учун ҳеч ким аниқ жавоб бермайди, уларнинг келиб чиқиш табиати ҳам деярли ҳеч кимга маълум эмас. Баъзида ўзгарган шарт-шароитларга яхшироқ мослашиш учун ҳам ижтимоий ахлоқ шакллариининг зарурлигини англаб етиш керак»⁸.

Ижтимоий ахлоқ меъёрлари жамиятда яшашнинг муҳим шартлари ҳисобланади: улар одамларнинг ижтимоий, амалий фаолиятларини тартибга солиб туради. Ҳар қандай жамиятнинг ҳаёти, одамларнинг жамоавий фаолиятларини тартибга солиб турувчи ижтимоий меъёрлар ва урф-одатларига риоя қилмаслик имконсиздир. Бунда этикет қоидаларига бириккан урф-одатлар инсоннинг тарихий-ижтимоий тажрибасини сақлашнинг ва етказишнинг қадимий шакли ҳисобланади.

Меъёр ўзида муайян социумда (статистик жиҳат) намунали деб қабул қилинган ифодалар шаклининг мажмуасини намоён этади. Ўзининг динамик жиҳатида меъёр – танлов операцияси, лисоний воситаларни жамоавий қабул қилинган қоидалар асосида танловини тартибга солиб турувчи⁹. Меъёр «хушмуомалалик» тушунчасининг талқинида таянч нуқта ҳисобланади. Айнан, у муайян мулоқот вазиятида сўзловчининг коммуникациядан кўзлаган мақсади учун афзал бўлган ифода шаклини аниқлаб беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам меъёр тушунчаси атрофлича ўрганилган, турли хилдаги луғатларда унга турлича таъриф берилган. Жумладан, «Ўзбек тили изоҳли луғати»да «Расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида», дея таъриф берилган¹⁰. Бу меъёр атамасининг таърифи эди. Адабий меъёр тушунчаси эса «Тил бирликларини у ёки бу кўринишида жамият томонидан аниқланган, белгиланган ишлатилиш имконияти ва қонуниятлари» деганидир¹¹. Шунингдек, олимларимизнинг фикрича, адабий меъёр (норма) – тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқлангандир¹². Кўриниб турибдики, деярли барча таърифларда меъёрнинг маълум бир қоида асосида қатъийлаштирилгани таъкидланган. Зеро, тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган

⁸ Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – С. 259-265.

⁹ Гурочкина А.Г. Когнитивный и прагматический аспекты функционирования языковых единиц в дискурсе. Учебное пособие. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2005. – 102 с.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. www.ziyouz.com kutubxonasi.

¹¹ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 63. www.ziyouz.com kutubxonasi.

¹² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 5.

лахзаларданок уни меъёрлаштириш жамоа, жамият эҳтиёжига айланган, меъёрий муаммолар кун тартибига қўйилган¹³.

Нутқ этикетининг бирликлари, уларнинг ижтимоий-тартибга солувчи вазифасига мувофиқ коммуникантларнинг ижтимоий муносабатларидан хабар беради. Бу борада уларга хос бўлган хусусият юқори даражадаги вариативлик ҳисобланади. Тил ва нутқнинг ижтимоий вариативлиги социолингвистиканинг асосий масалаларидандир. У иккита йўналишда мавжуд: ўзаро боғлиқликдаги – стратификацияланган ва вазиятнинг ўзгарувчанлиги.

Стратификацион вариативлик – жамиятнинг ижтимоий структуралари билан бевосита чамбарчас боғлиқликка эга бўлган, турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг намоёндалари орасида баён қилинадиган тил ҳамда нутқий фарқларда ўз ифодасини топади. Стратификацион вариативлик тушунчалари қаторига шахснинг доимий ижтимоий ва социодемографик тавсифлари (ижтимоий гуруҳга мансублиги, касби, таълим даражаси, жинси, ёши ва ҳ.з.лар) мажмуаси билан аниқланадиган «мақом» («статус») атамаси киради.

Коммуникация ҳаракати иштирокчилари мулоқот жараёнига, вазият тавсифига, суҳбатдошнинг характериға (жинси, ёши, ижтимоий мақоми, қариндошлиги, танишлиги) ва суҳбатдошларнинг ижтимоий иерархик (паст, тенг, юқори) ҳолатига мос равишда муайян лексик воситаларни қўллашади. Шахслараро ахлоқий (этик) муносабатлар этикетга асосланган нутқ мулоқотининг етакчи мезони бўлган хушмуомалалик принципи асосида курилади. Хушмуомалалик инсоннинг лисоний ва нолисоний хулқ-атвориға таъриф берувчи белги ёки хусусият сифатида шарҳланади. Шундай қилиб, меъёр ва хушмуомалалик орасида кескин чегаралар мавжуд эмас. Бир шаклнинг ўзи маълум бир вазият учун меъёрий, хушмуомалали сифатида тавсифланиши мумкин ва бошқа бир вазият тури учун меъёр чегараларидан чиққан деб баҳоланиши ҳам мумкин. Бошқача қилиб айтганда, хушмуомала/нохуш муомала шаклида изоҳланаётган ифоданинг у ёки бу шакли коммуникатив вазият ўлчамлари (параметрлари) билан шартланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбек тилида фатик мулоқот ва унинг турлари**» деб номланган ва уч фаслдан иборат. Дастлабки фасл «*Фатик мулоқотнинг маданий-тарихий омиллари*» деб аталган бўлиб, унда фатика атамасининг пайдо бўлиши, унинг моҳияти ўз аксини топган.

Фатик вазифа (функция) /қисқ. ФФ/ серқирра тилнинг серқирра вазифаларидан бири сифатда ажратилади. Фатика /қисқ. Ф/, фатик мулоқот /қисқ. ФМ/ (phatic communion) атамаси илк бор тилшуносликка польшалик инглиз олими, этнографияда функционал антропология йўналишининг асосчиси Бронислав Малиновский (1884-1942) томонидан 1928-йилда киритилган. Фатика лотинча *fatuus* сўзидан олинган бўлиб, «бемаъни, мақсадсиз» деган маънони англатади. Тилнинг фатик вазифаси / фатик

¹³ Каримов С. Тил таълими ва меъёр. – Т.: Абдулла Қодирий, 2002. – Б. 25.

функцияси атамаси эса Роман Якобсоннинг лингвопоэтикага алоқадор ишлари билан боғлиқ. Фатикани ажратиш учун бош асос коммуникантлар орасидаги мулоқот-сухбатнинг улар учун аҳамияти, фаолияти учун маълум бир зарур ахборотни ифодалаш ва таъсири – уларни маълум турдаги фаолиятга / фаолиятни тўхтатишга ундаш / ундамаслигидир. Бронислав Малиновский фатика ва фатик функция атамалари билан коммуникантлар орасида мақсадсиз, маълум бир аҳамиятга эга бўлмаган, зарур бир ахборот/маълумот беришга ва ўтказишга уларга ҳеч қандай масъулият юкламайдиган сухбатга хизмат қиладиган сўзлашув жараёнини номлайди. Бундай қисм, одатда, коммуникантлар орасида мулоқотни сақлаб қолиш (*русча общение ради общения*) учун зарурдир. Б.Малиновский бундай қисмни *ing small talk* ибораси билан шарҳлайди. Бу жиҳатдан фатика мазмун-моҳияти билан ўзбекча гурунг, хангома сўзлари билан ифодаланадиган қийматга тенг. Нутқий мулоқотда фатикани ажратиш, Т.Винокур ўринли таъкидлаганидек, мулоқотнинг информатив (ахборот бериш) ёки уни сақлашга қаратилганлигидир.

Роман Якобсон Бронислав Малиновскийнинг тилшунослик учун янги бўлган бу тушунчасига – тилдан қатъий бир мақсадсиз, нутқ шароити ва коммуникантларнинг фаолиятлари билан деярли алоқадор бўлмаган, уларга бирор бир масъулият юкламайдиган, вақтни ўтказиш, сухбатдошлар орасида вербал алоқани фақат сақлаб қолиш учунгина хизмат қиладиган дискурс учун фойдаланишга – алоҳида эътибор беради. У бунинг доирасини анча кенгайтириб, унга фатик мулоқот (*контактоустанавливая функция – алоқамуносабатни ўрнатиш*) вазифасини нисбат беради ва шу асосда тилнинг фатик функциясини алоҳида ажратади.

Б.Малиновский томонидан фатик деб аталган коммуникатив ҳаракатлар (актлар) маълум бир жамоа аъзолари орасида психологик алоқани ўрнатишга хизмат қилади. Фатик вазифа мулоқотга бўлган қизиқишни, коммуникантларнинг ўзаро муносабатларини ўзида ифодалайди. Фатик вазифа алоқага (контактга) йўналтирилган. У учун маълумотни етказиш эмас, алоқани қўллаб-қуватлаш муҳим. Мисол тариқасида бунга об-ҳаво ҳақидаги сухбатлар, туғилган кунларни нишонлаш вақтидаги сухбатларни келтириш мумкин. Бундай сухбатларда етказилаётган маълумотнинг янгилиги эмас, балки алоқани давом эттириш муҳим саналади. Баъзи тилшунослар эса фатик вазифани умуман нотўғри бўлган, билвосита мақсадга эга бўлмаган, аммо одамларнинг психик ҳолатини, уларнинг ўзаро муносабатларини бошқариб турадиган беҳуда (маъносиз, мақсадсиз) нутқий фаолият деб қарайдилар; у бадий истеъдодни ривожлантиради, интеллектуал қобилиятни машқ қилдиради.

/Ф/ни *инг small talk* сифатида биринчилардан бўлиб ажратиш ва илк тавсифини бериш инглиз олими Бронислав Малиновский томонидан берилган бўлса, тилнинг /ФФ/ни алоҳида вазифа сифатида таъкидлаш туғилиб ўсган ватани Россия бўлса ҳам, 1920-йилдан бошлаб Фарбда яшаган Роман Якобсон (1996-1982) номи билан боғлиқ. /Ф/ тадқиқи рус

тилшунослигида ғарб тилшунослигидан кўра кенгроқ ва муфассалроқдир. Рус тилшунослигида бунга кўпроқ эътибор берилганлигининг қатор асослари сифатида Михаил Бахтин (1894-1975) томонидан нутқий мулоқот жанрлари назариясининг илгари сурилиши, бу назариянинг рус филологиясида кенг оммалашшини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бунинг боиси эса нутқ жанрлари ичида рус анъаналаридаги ўзига хос зодагонлар суҳбати – рус *свецкая беседа* (қисқ./СБ/) кенг тарқалганлигидир. Зодагонлар суҳбати – рус *свецкая беседа* рус мумтоз адабиёти ҳамда тарихий-бадиий асарларида кўп учрайди. Зеро, «рус *свецкая беседа*» атамаси остида рус аристократлари даврасида юксак маданиятли, ҳар томонлама гуманитар билимларга эга бўлган шахслар орасида «умумий мавзуларда суҳбатдошларга ҳар томонлама марғуб, ҳеч кимга ҳеч қандай масъулият юкламайдиган, асосий мақсади суҳбатдоши билан нутқий мулоқотни сақлаган ҳолда вақт ўтказиш бўлган гурунг» тушунилади. Зодагонлар суҳбати, яъни рус *свецкая беседа* фатиканинг энг оммалашган кўриниши сифатида тасниф қилинади. Шу сабабли услубшунослар рус мумтоз адабиёти намуналарида – Л.Толстой, Ф.Достоевский, А.Чехов ва бошқаларнинг асарларида зодагонлар суҳбати (яъни /ФМ/нинг бир тури)нинг воқеланиш хусусиятлари тавсифига бағишлаб кўплаб тадқиқотларни амалга оширишган. Рус филологиясида /Ф/нинг тадқиқига катта ҳисса қўшилган.

Иккинчи фасл «Диалогик дискурсда фатик мулоқотнинг ўрганилиши ва аҳамияти» деб номланади ва унда фатика тадқиқига оид изланишлар таҳлил этилади, фатикага оид маълумотлар кенгроқ ифода қилинади. Фатиканинг ўрганилиш тарихи тавсифини берувчи ишларнинг ичида В.В.Дементьев, Е.В.Клюев кабиларнинг қатор умумлаштирувчи ишлари алоҳида ажралиб туради. Бу ишларда Б.Малиновскийдан бошлаб кейинги даврларгача фатика бўйича амалга оширилган тадқиқотлар гуруҳларга ажратилиб, муфассал таҳлил этилган ва фатикани ўрганишни чуқурлаштириш йўналишлари белгилаб берилган. Шу асосда фатика тадқиқини уч даврга ажратиш мумкин:

Биринчи давр – Бронислав Малиновский томонидан *ing small talk* сифатида мулоқотнинг мақсадсиз (вақт ўтказиш, жим турмаслик учун) суҳбатнинг алоҳида ажратилиши ва уни фатика атамаси билан аталишидан бошлаб (1928) Роман Якобсон томонидан тилнинг 6 вазифаси (функцияси), улар ичида фатик вазифанинг ажратилишигача (1970) бўлган вақт бўлиб, унда фатикага деярли эътибор қаратилган эмас;

Иккинчи давр – Роман Якобсон томонидан фатикани тилнинг алоҳида – фатик мулоқот вазифасининг воқеланиш кўринишларидан бири сифатида ажратилишидан (1970) Татьяна Винокур (1924-1992) ишларида ҳар иккала қарашнинг бирлаштирилишигача (1990) бўлган давр;

Учинчи давр – Т.Винокурдан кейинги давр – 1990 йилдан ҳозиргача. Фатикага бағишлаб юзлаб эмас, минглаб тадқиқотларнинг бағишланиши, унда икки йўналишнинг белгиланиши айни шу даврга тегишлидир.

Рус тилшунослигида фатика тадқиқи икки йўналишда олиб борилди:

1) фатика ва унинг моҳияти, нутқ жараёнидаги аҳамияти;

в) фатик нутқий жанрлар ва уларнинг қўлланилиши.

Биринчи йўналишда Т.Винокурдан ташқари Н.Арутюнова, Е.В.Дускаева, В.Г.Гак, В.И.Карасик, Е.Клюев, К.Ф.Седов, Т.В.Смелёва кабиларнинг ишлари алоҳида эътиборга сазовор. Бу йўналишдаги тадқиқотлар миқдоран анча оз ва уларда фатиканинг табиати ноинформатив, суҳбатдаги бўшлиқни тўлдиришга, нутқий мулоқот-суҳбатда вақтни ўтказишга хизмат қиладиган гурунг сифатида талқин этилади. Лекин иккинчи йўналиш рус тилшунослигида жуда кенг тарқалган. Бунда В.В.Дементьев, М.Е.Федосюк, В.Е.Голдин, А.В.Карабикова, Н.А.Корнилова, Т.Н.Козловская, Т.В.Матвеев, Н.Г.Нестерова, В.К.Прохорова, А.Д.Степанов кабиларнинг ишларига эътибор берилган. Жумладан, фатик нутқий жанрлар масаласини махсус тадқиқ қилган В.Федотова ўз номзодлик диссертациясида уларни икки гуруҳга (унисон ва диссонанс) ажратиб, бу гуруҳлар ўз ичида 17 хил кўринишларда намоён бўлишини рус ва француз тилларидаги материаллар асосида шарҳлаган:

а) *фатиканинг унисон жанрлари*: 1) лутф, хушомад (комплимент); 2) мақтов; 3) изхори муносабат; 4) миннатдорлик; 5) ҳазил-мутойиба; 6) олиб қочиш/чалғитиш (флирт);

б) *диссонанс жанрлар*: 7) айблов 8) таҳқир-ҳақорат; 9) таҳдид; 10) муносабатларни аниқлаш/муносабатларга аниқлик киритиш (выяснения отношений); 11) миннат-гина; 12) қочирим-пичинг; 13) масхара-мазоқ; 14) вақтгузаронлик (структурирование времени) турлари; 15) зодагонларнинг давра суҳбати (свежая беседа); 16) оддий гурунг (болтовня); 17) хаёл-орзу-истаклар.

Учинчи фасл «*Ўзбек тилида фатик мулоқот кўринишлари ҳамда вазифалари*» деб номланади ва унда фатик мулоқотнинг 3 тури таҳлил қилинади. Ўзбек тилида фатик мулоқот коммуникантлар орасида ноқулай жимликни ўртадан кўтариш, суҳбат-мулоқотни сақлаб қолиш ва суҳбатни яқунлаш мақсадида ишлатилади. У одат-расм-русум (этикет) билан алоқадор бўлган саломлашиш-сўрашиш нутқий мулоқот ибтидоси /қисқ. НМИ/, нутқий мулоқот интихоси/ниҳояси, яъни хайрлашиш /қисқ. НМН/, мурожаат каби ноинформатив қисмларни ўз ичига олади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек тилшунослигида фатика ва /ФМ/нинг турлари деярли ўрганилмаган¹⁴. Ўзбек тилидаги /НМИ/ ва /НМН/ миллий ёки расмий-ижтимоий этикет меъёрлари билан узвий боғланган. Шунинг учун ўзбек тилшунослигида /НМИ/, /НМН/га мансуб лисоний бирликлар, этик формулалар шу йўналишида ўрганилиши ва уни нутқий мулоқотнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ этилиши зарур.

Ўзбек нутқий мулоқотининг фатик кўриниши(фатик мулоқот) умумий мақсад-моҳиятини суҳбатдошлар (коммуникантлар) орасида мулоқот-суҳбатини *тузиш* → *сақлаш* → *ёпиш* вазифаларига хизмат қилади. У мулоқот мақсади билан алоқадор бўлган ахборотга бевосита боғланмаган мавзуларда

¹⁴ Тоирова Г. Фатика ва фатик мулоқот турлари // ЎзМУ хабарлари – Тошкент, 2016. 2-сон. – Б. 291-295.

ва асосий мақсадларидан бири сўзловчи шахсияти (унинг жинси, маданияти, савияси, насаби, рухий ҳолати) ҳақида маълумот берувчи мулоқотни ифодалайди. Фатик мулоқотнинг мулоқотга кириш тури моҳиятни коммуникантларнинг медиадискурсага тайёрланишидир. Чунончи: – *Айланай, Энахон. Шошилиб турибман. Сизда икки оғиз гапим бориди.* (Чўлпон. Кеча ва кундуз.– Б. 115).

Фатик мулоқотнинг ўзбекона кўринишини “Алишер Навоий” (И.Султон, Уйғун) драмасида лутф (хушомад, мақтов) жанри сифатида кўплаб учрайди. Жумладан, драмада Астробод шаҳрида оғир рухий ҳолатда бўлган Мансур Мир ва Абулмалих суҳбатларига қўшилгач, суҳбатга ҳеч қандай алоқадор бўлмаган об-ҳаводан сўз бошлаши ҳам фатиканинг мулоқотга киришиш турларидан бири сифатида талкин этилади. Шунингдек, асардаги фатик мулоқотнинг мулоқотда бўлиш кўриниши эса алоқа-суҳбатни сақлаш ва давом эттириш мақсадини ифодалайди:

Озода: (Азизанинг пайдо бўлганига ажабланиб, ҳамон ўз ҳислари аросатида). Салом, келинойи!

Азиза: Салом, Озодахон!

Озода: Қаранг, табиат қандай чиройли!

Азиза: (аввалги гамгин кайфиятда, аммо табиатнинг гўзаллигига қойил бўлмасдан иложсиз) Ҳа, ўзига маҳлиё қилади.

Озода: Ҳозиргина мен кўнглимда ҳар бир кунимизнинг мана шундай ёруғ бўлишини тиладим. (И.Султон. Асарлар. Тўрт томлик. 1-том. – Б. 88).

Ўзбек нутқий мулоқотининг бадий шаклда ўз аксини топган шундай асарлар ҳам борки, фатик мулоқот унинг моҳиятини ташкил этади. Муаллифнинг ғоясини – асар мазмунига алоқадор бўлган фатик суҳбат орқали – китобхонга очиб беришга хизмат қилади. Масалан, Ғафур Ғулломнинг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида “ўғригина бола” билан “уйқуси қочган буви” орасидаги анча узун нутқий мулоқот (медиадискурс) шундай мулоқотни сақлашнинг – икки мутлақо тасодифий шахс (ўғри ва уй эгаси) орасида дўстона, ҳатто улар учун дилкаш суҳбатнинг яхшигина намунаси бўла олади.

Мулоқотни яқунлаш тури деганда эса алоқани ниҳоясига етказиш жараёнлари билан боғлиқ мулоқот нутқини тушунамиз:

– Хайр, яхши бор, Диана. Мендан ранжимагин, илтимос.

Гўшак жимиб қолди. Фарҳод яна бир лаҳза уни қулогига тутиб турди-да, аста жойига босди. (Э.Аъзам Шовқин. – Б. 90).

Ўзбек нутқий мулоқоти турларини фатик мулоқотда бўлиш нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда ўзбек урф-одатларини, маданий анъаналарини ҳисобга олиш зарур. Ўзбек маданияти ва одатларида ҳам зиёли суҳбатдошларнинг мушоиралари, ҳар хил қиссахонликларнинг ўнлаб турлари (бахр-у байт, навоийхонлик, машрабхонлик, хиромийхонлик, маснавийхонлик...) мавжуд. Ўзбекона мулоқотда сўзловчи ўз фикрини бир шаклда баён қилиб, сўнгра уни бошқа шаклда – тингловчига тушунарлироқ тарзда қайта баён қилиш кенг тарқалган.

Тадқиқотнинг «**Фатик нутқий жанрлар ва илтифот**» деб номланган учинчи боби уч фаслни ўз ичига олади. Дастлабки қисм «*Диалогик нутқда илтифотнинг ўрни ва унинг вазифалари: мулоқотни ўрнатиш, қўллаб-қувватлаш, мулоқотни узиш*» деб номланади ва унда илтифот шахслараро оғзаки мулоқотнинг муҳим таркибий қисми сифатида таҳлил этилади.

Фатик мулоқот – бу суҳбатдошнинг шахсига етказилган зарарни минималлаштиришга қаратилган лингвистик хушмуомалаликнинг махсус стратегиясидир. Унинг мана шу моҳияти илтифот учун ҳам мос келади.

Илтифот (комплимент) – одамлар билан яхши муносабатлар ўрнатишга ёрдам берадиган оддий, аммо кучли восита. Инсоннинг амалга ошираётган ишлари ҳақида бироз муболаға қилиб гапирсангиз, бу ҳақда эшитиш уни хурсанд қилади, албатта. Илтифот ҳар хил сабабларга кўра гапирилади, лекин ҳаммаси завқли, ёқимли вазиятни ҳосил қилади ва ўзингизга бўлган ҳурматни оширади. Ўз вақтида илтифот қилиш вазиятни сусайтириши, кескин вазиятни ўзгартириши ва ҳатто шахсий ҳаёти ҳамда мартабасига таъсир қилиши мумкин. Илтифот санъати азалдан ишбилармонлик маданиятининг ажралмас қисми бўлиб келган. Шунчаки айтилган илтифот қанчалик аниқ бўлмасин, таъсир ўтказмаслиги мумкин. Чунки талаффузда интонация жуда муҳим: у жонли, назокатли, хотиржам бўлиши керак, лекин ҳеч қачон истехзоли бўлмаслиги лозим. Агар сиз суҳбатдошингизга самимий муносабатда бўлсангиз, илтифот ўз мақомида бўлади. Мақтов сўзларини айтганда, иложи борича ҳалол ва очик бўлиш керак, сўзларда хушомад бўлмаслиги лозим. Кимгадир самимий илтифот қилаётганда, унга эътибор қаратилади, ундан ижобий фазилатлар изланади. Бирор киши бошқасига ёқимли сўз айтганда, у ўзини ўзи кадрлайди, деб ишонилади, чунки бошқа одамларнинг яхши томонларини сезиш ва бу фикрларни айтиш учун ўзига бўлган ишонч зарур. Қолаверса, диққатли бўлиш ва бошқаларнинг ижобий фазилатларини пайқаш инсонга ўзидаги яхшиликларни кўпроқ кўришга ёрдам беради. Комплиментар ифодалар нутқий этикетга тегишли, аммо барқарор хусусиятга эга эмас, балким муайян мулоқот вазиятидан келиб чиққан ҳолда вариацияланади.

Рус тили материаллари асосида комплиментни Н.И.Формановская (1989) ўрганган. В.И.Карасик ва Е.С.Петелиналар (1992, 1985, 1988) – инглиз тили материалида тадқиқ қилишган. Комплиментни, одатда, хушмуомалаликнинг намоёишига, этикетнинг ўзига хос фатик шаклларига киритишади.

Илтифотнинг *мулоқотни ўрнатувчи* каби бир неча фатик вазифалари (хусусий ва умумий) мавжуд. У орқали коммуникаторлар ўртасидаги ижтимоий ва индивидуал-шахсий муносабатларни тартибга солиш амалга оширилади. Бу ўзаро мулоқот платформасини ишлаб чиқишга қаратилган бўлади. Илтифотнинг мулоқотни қўллаб-қувватловчи фатик вазифаси ҳаракатнинг изчиллигини таъминлайди, коммуникаторларнинг кейинги ўзаро мулоқотларини осонлаштирадиган ташкилий ҳодиса ҳисобланади.

Таҳлиллар натижасида айтишимиз мумкинки, тарихий асарларда илтифотнинг намуналари кўпроқ учрайди. П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида ҳам фатик мулоқотнинг тури ҳисобланган илтифотнинг бир қанча намуналарини кўришимиз мумин:

– *Билагингизда куч кўп амирзодам! Шерпанжасиз. Подшоҳ ҳазратлари сизни Бобур деб атаганлари бежиз эмас. Бобур арабча шер демакдир!* (П.Қодиров Юлдузли тунлар.– Б. 36).

Иккинчи фасл «Илтифотни ўрганишда социолингвистик ва прагматингвистик ёндашувлар» деб номланади, унда илтифотнинг миллийлик билан боғлиқ хусусиятлари ва ўзбек нутқий мулоқотидаги турлари таҳлил этилади. Илтифот – бу нутқнинг муҳим одоби. Илтифотнинг фойдаси нимада? Мақтов – бу бизнинг ташқи қиёфамиз, онгимиз, ишимизнинг маъқулланишидир. Комплимент – одамлар ўртасида алоқа ўрнатишнинг энг самарали воситаларидан бири. Бироқ нутқ жанри сифатида, контактологиянинг таркибий қисми сифатида, у ҳали ҳам яхши ўрганилмаган.

